
“БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ” ДАНҒАРА ТУМАНИДА 2700 НАФАРГА ЯҚИН БОЛА 1-СИНФДА ЎҚИШНИ БОШЛАДИ.

Бугун, 6 сентябрь куни Данғара туманидаги 41 та умумтаълим мактабида анъанавий шаклда дарслар бошланди.

Бу йил мактабларнинг 1-синфига туманда 2700 нафарга яқин бола қабул қилиниб, уларга 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкаси, дарсликлар мажмуасидан иборат Президент совғалари топширилди.

Данғара тумани ҳокими 1-секторда жойлашган Катта турк МФЙдаги 6 умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган “Биринчи қўнғироқ” тадбирида иштирок этди ва мактабнинг 1-синф ўқувчиларига Президент совғаларини топширди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-09-07 08:35:39